2014 ЙИЛ – СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган ● www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz ● 2013 йил 13 декабрь ● № 50 (967)

# ОИЛАМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ БАХТИ ВА КАМОЛОТИ

***Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2014 йилни «Соғлом бола йили» деб эълон қилар экан, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, масъулияти катта эканлигига алоҳида эътибор қаратди.***

***Бинобарин, мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан соғлом, маънавий етук авлодни вояга етказиш масаласига давлат сиёсати даражасида юксак эътибор қаратиб келинмоқда.***



Давлат сиёсатининг мақсадли йўналишлари доирасида ўзбек моделининг ишлаб чиқилиши, босқичма-босқич амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирлар ва уларнинг келажак истиқболи, қонунчилик базаси билан мустаҳкамланаётган тараққиёт мезонлари ягона талабга, яъни инсон манфаатларига хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир. "Соғлом юрт – соғлом миллат" тушунчасининг бош тиббий омил сифатида амалиётга киритилиши, нафақат тиббиёт ходимлари, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам тенг ҳуқуқли, масъулиятли ва шарафли вазифасига айланмоғини давлатимиз раҳбари ўз фикрларида кўп бора ифода этадилар.

Истиқлолнинг инсонлар саломатлигини яхшилаш борасида берган имкониятлари, яратилган шарт-шароитлар, хусусан, соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ кенг қамровли лойиҳалар йилдан-йилга такомиллашиб, ўз самарасини кўрсатмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, барча соҳалар каби тиббиёт тармоғида мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй бермоқда. Демак, бу янгиланишларда кенг қатламли аҳолининг бирдек иштироки, фаоллиги ва масъулияти юқорилигини кўриш мумкин. Дарҳақиқат, Президентимизнинг соҳага оид чиқараётган Фармон ва Қарорлари замирида ҳам инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари мужассамлиги бу – жамиятимиз тараққиётининг янада юксалиб бораётганлигидан далолатдир.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурини ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланиши ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш Юртбошимиз раҳнамолигидаги давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши экани ва бу изчиллик билан амалиётга жорий этилаётганини яна бир бор намоён этди. Тантанали маросимда муҳтарам Юртбошимиз устувор вазифа сифатида халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва самарасини ошириш, профилактика ишларини кучайтириш бўйича бажарган ишларга алоҳида урғу қаратиб, таҳлил қилиб бердилар. Жумладан, маърузада туғруқ ёшидаги 7 миллион аёл ҳамда 7 миллион 300 минг нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилгани, 195 минг нафар ёлғиз қариялар, ногирон ва пенсионерларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилгани таъкидланган. "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўрик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруғи билан самарали ташкил этиб келинмоқда. Бундан асосий мақсад, тизимда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш, халқимизга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда аҳолининг касалланиш кўрсаткичларини камайтиришдан иборатдир.

Эътироф этиш жоизки, маърузада келтирилишича, йил мобайнида мамлакатимиз бўйича 311 миллиард сўмлик бюджет маблағи ҳисобидан 146 та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилган. Жумладан, Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида янги даволаш корпуси ва диагностика бўлими, болалар касалликлари санаторийси барпо этилди. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани тиббиёт бирлашмаси, Сурхондарё вилоятида кўп тармоқли болалар ва катталар тиббиёт марказлари, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон ва Қўштепа туманлари тиббиёт бирлашмалари ва бошқа ўнлаб касалхоналар тубдан реконструкция қилинди.

**(Давоми 2-бетда).**

*Дард кўрмагин, асло Болажон,*
*Соғлом ўсгин, доим бўл омон.*

*Соғ тандаги соғлом ақлингдан,*
*Буюк бўлсин юрт Ўзбекистон!*









# ОИЛАМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ БАХТИ ВА КАМОЛОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида ҳамда Республика педиатрия ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказида янги жарроҳлик корпуслари ишга туширилди. Албатта, юртимизда педиатрия хизмати тобора такомиллаштирилиб, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, самарали перинатал ёрдам, чақалоқларнинг бирламчи реанимацияси, болалар касалликларини даволашга оид дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Республикамизда МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб "Она ва бола скрининги" Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилаётгани даволаш муассасаларини энг замонавий ускуна ва жиҳозлар, дори-дармон ҳамда препаратлар билан таъминлаш ирсий, туғма хасталикларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.


Республика ихтисослашган хирургия марказининг кардиохирургия мажмуаси.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида болалар касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис, даволаш ва профилактика ишларини янада яхшилаш имкони яратилди. Мазкур марказ ва унинг филиалларида тиббий кўмакка муҳтож болалар илмий асосланган ҳолда даволанмоқда. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган шифо масканимизда бир йўла 320 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатиш ва даволаш имконияти мавжуд, – **дейди марказ директори Дилором Аҳмедова.** – Болаларда учрайдиган туғма нуқсонлар, эндокрин, буйрак, мураккаб ички касалликлар самарали даволанмоқда.

Ҳа, ҳозирги кунда ушбу марказда педиатриянинг долзарб масалалари юзасидан ўндан зиёд давлат гранти бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда яратилган илмий ишланмалар болалар саломатлигини муҳофазалаш ва соғлом авлодни камолга етказишга хизмат қилади. Илмий марказ клиникасида йилига 12 минг нафар она ва болага стационар шароитда замонавий усулда тиббий ёрдам кўрсатилади. Бундай хизматлардан аҳолини баҳраманд этиш мақсадида вилоятларда ушбу тиббиёт марказининг филиаллари ташкил этилган. Шунингдек, марказ олимлари ва шифокорлари жойларга чиқиб, бирламчи шифо масканлари фаолиятини такомиллаштириш, профилактика ишларини янада кучайтиришда ҳам фаол қатнашмоқда.

Чақалоқларни она сути билан озиқлантириш лойиҳаси бўйича Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази олимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарларда вилоятимизнинг барча қишлоқ врачлик пунктлари шифокорлари малака ошириб қайтмоқдалар. Бунинг натижасида чақалоқлар касалланиш кўрсаткичи камаймоқда. Ютуқларимиз нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Вилоятимизда еттита туғруқ мажмуаси, 14 та қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиника ЮНИСЕФнинг "Болага меҳри баланд шифохона" сертификатини олган.

– Мен ҳам болалар саломатлигини муҳофаза қилиш билан бевосита шуғулланадиган амалиётчи шифокор сифатида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлашга масъул эканимни яхши тушунаман. Мамлакатимизда болалар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилаётган улкан эътибор самарасида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази мажмуаси тубдан қайта қурилди ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, – **дейди Жиззах вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачи Холида Алимова.** – Хусусан, қўшимча поликлиника, жарроҳлик ва рентген бўлимлари барпо этилди. 1-даволаш биноси капитал таъмирдан чиқарилди. Пульмонология, неврология, аллергология, ортопедия, ЛОР ҳамда оналарни соғломлаштириш бўлимлари янги замонавий асбоб-ускуналар, болалар поликлиникаси замонавий УЗИ, ФГДС, ЭКГ, рентген, аудиограмма аппаратлари, биохимик анализаторлар билан тўлиқ жиҳозланди. 15 турдаги муолажа амалга ошириладиган физиотерапия хонаси фаолият кўрсатмоқда. Шифохона мажмуасини капитал реконструкция қилиш жараёнида оналар ва болалар хоналари ташкил этилиб, зарур жиҳозлар билан таъминлангани даволаш ишларининг самарадорлигини янада оширди. Бўлимда турли ўйинчоқлардан тортиб оналарнинг фарзанди ёнида бўлиши учун барча шароитлар яратилган. Айни пайтда муассасада кадрлар малакасини ошириш, жумладан, хорижнинг илғор тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда шифокорлар ва ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимларининг асосий қисми республикамиздаги етакчи болалар тиббиёт муассасаларида ва хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтди. Хорижнинг етакчи тиббий муассасалари билан ўзаро тажриба алмашиш давом этаётир. Яқинда германиялик бир гуруҳ мутахассислар бизнинг иш фаолиятимиз билан танишиб, тажриба алмашди. Бундай кенг кўламли ишлар нафақат бизнинг марказда, балки барча туман тиббиёт муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктларида ҳам амалга оширилмоқда. Марказ мутахассислари қишлоқ шифохоналарига услубий ёрдам кўрсатиш, айниқса, вилоятнинг олис ҳудудларидаги қишлоқ врачлик пунктларига болалар саломатлигини муҳофаза қилишни яхшилаш учун амалий ёрдам кўрсатмоқда. Ватанимиз келажаги бўлган фарзандларимиз саломатлигини муҳофаза қилишда «Соғлом бола йили» муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бундай олижаноб мақсадлар биз, болалар шифокорларини соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишдек масъулиятли вазифани янада сидқидилдан бажаришга ундайди.

Зеро, Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт", деган фикрлари ҳам умуммиллий шиорга айланди. Илк орденнинг "Соғлом авлод учун" деб номланишида ҳам ўзига хос маъно мужассам.

– Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида скрининг, перинатал ва ихтисослаштирилган тиббий-илмий муассасалар фаолият юритаётгани, ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан зарур поливитаминлар билан таъминланаётгани соғлом авлодни дунёга келтириш, она ва бола саломатлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатларни барвақт аниқлаш ҳамда бартараф қилишда муҳим омил бўлмоқда. Яратилаётган бундай кенг шарт-шароит, имкониятлардан самарали фойдалиш, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган эзгу ислоҳотларга ҳамқадам бўлиш ҳар бир одамнинг ўзига, оиласи олдидаги масъулиятига, тиббий маданияти ва дунёқарашига боғлиқдир, – **дейди Республика она-бола скрининг маркази директори Мадина Шарипова.** – Бу борадаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, жисмоний кўрсаткичларида ҳам намоён бўлмоқда. Болаларимиз ўртасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари кескин камаймоқда. Ўртача вазн кўрсаткичи 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Ўғил болаларнинг бўйи ўртача 3 сантиметрга, қизларники эса 2,9 сантиметрга ўсган. Ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизларнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. Эътиборлиси, Президентимиз Ислом Каримов томонидан «Соғлом бола йили» деб эълон қилинган 2014 йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаяди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом бола – аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насл тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади. Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, унинг жамият


Жиззах вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази.

ҳаёти ва ёш авлод тарбиясидаги аҳамиятини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган. Хусусан, Конституциямизнинг алоҳида бобида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгиланган. Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари, бошқа қонун ҳужжатларида оилавий муносабатлар ўз ифодасини топган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили", "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурлари ўзаро узвийлик касб этиб, уларнинг амалга оширилиши туфайли оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асослари янада мустаҳкамланди. Оила қўрғонининг чиройи аёлдир. Соғлом боланинг туғилиши ва ақл-заковатли, юксак маънавиятли бўлиб улғайишида оналарнинг ўрни беқиёс. Бунинг учун аввало аёлнинг ўзи соғлом, илму маърифатли ва ортиқча ташвишлардан ҳоли бўлиши зарур. Шу боис, мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, рўзғор юмушларини енгиллаштириш, турмуш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маърузада шунингдек, биргина 2012 йилнинг ўзида Республика ихтисослашган хирургия марказининг кардиохирургия мажмуаси ва бошқа шундай шифохоналарда юрак қон-томир касалликларига чалинган 4 мингдан зиёд бемор дардига даво топганлигини, Наманган ва Урганч шаҳарларида эса юрак клапанларини алмаштириш, туғма ва орттирилган юрак касалликларини операция қилиш, электр кардиостимулятор имплантацияси, эхокардиография каби даволашнинг янги усуллари йўлга қўйилди. Нукус, Қарши, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Жиззах шаҳарларида эса юрак ҳолатини узлуксиз монитор қилиб бориш амалиёти жорий этилган.

Шунингдек, Урганч, Нукус, Андижон, Самарқанд шаҳарларида лазер нури ва ультратовуш ёрдамида турли кўз касалликларини компьютер технологиялари асосида диагностика қилиш ва даволаш ишлари амалга оширилгани эътироф этилган. Бундан ташқари, мамлакатимизда болаларни ўз вақтида эмлашнинг мукаммал тақвими ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг 98 фоиздан ортиғи олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда. Бунинг натижасида полиомиелит, чақалоқлар қоқшоли, дифтерия, қизамиқ каби касалликларга чалиниш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди. Қатор юқумли касалликлар билан оғриш ҳолатлари кескин камайди.

"Ўзбекистонда ҳатто глобал инқирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрланса арзийди", дейди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзуидаги халқаро симпозиумнинг очилиш маросимидаги нутқида. Бу каби эътирофларни кўплаб келтириш мумкин. Энг қувончлиси, Ўзбекистон оналик ва боликни муҳофаза қилиш тажрибаси бўйича етакчи мамлакатлар орасида юқори кўрсаткичларни қўлга киритган, намуна олса арзийдиган давлат сифатида халқаро даражада муносиб баҳоланди.

**Фахр ва ифтихор билан айтиш жоизки, Юртбошимиз томонидан ҳар йилнинг ўзига хос ном билан аталаётгани бежиз эмас. Чунки унинг замирида инсон саломатлиги ва манфаатлари ётади. Шундай экан, келаётган янги йилимиз "Соғлом бола йили" деб номланишининг мазмун ва моҳияти эртанги келажагимиз янада равнақ топиши ҳамда жамиятимиз тараққиёти юксалишидан дарак беради.**

**Намоз ТОЛИПОВ.**

Конференция

# ПЕДИАТРИЯ ХИЗМАТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

## тадбирнинг бош мавзусига айланди

***2013 йилнинг 12 декабрь куни пойтахтимизда "Педиатрия хизматини модернизациялаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва болалар саломатлигини яхшилашнинг асосидир" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.***



Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров кириш сўзи билан очиб, аввало мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги устувор вазифалар, эришилган ютуқ ва натижалар, шунингдек оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган самарали ишларга атрофлича тўхталди. Сўнгра Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Дилором Аҳмедова мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг истиқболли йўналиши – педиатрия хизматини модернизациялаш, болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишнинг истиқболли йўналиши – педиатрияда янги лаборатор технологиялар татбиқ этилгани ва бунинг баробарида мамлакатимизда болаларга кўрсатилаётган неонатал ёрдам, пульмонология, гастроэнтерология, гепатология, неврология, кардиология, нефрология, болалар хирургияси ёрдами бўйича амалдаги фаолиятларга урғу қаратди.

Ушбу долзарб мавзунинг танлаб олинишидан мақсад, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини яхшилаш, болаларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий стандартлари, тезкор ахборот технологияларини татбиқ этишдан иборат бўлди. Барчамизга маълумки, модернизация – бу ҳар бир инсон истиқомат қилаётган ҳудудида сифатли тиббий ёрдам олиши учун шароит яратишдир. Соғлиқни сақлаш тизимида педиатрия хизматини модернизациялаш натижасида республиканинг барча вилоятларида болалар педиатриянинг турли йўналишларида стандартлар бўйича сифатли тиббий ёрдам олиш имконига эга бўладилар. Шуни алоҳида таъкидлаш муҳимки, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга бир хил ёндошган ҳолда, мазкур йўналишда соҳани модернизациялаш лозим. Шу ўринда тиббиётнинг барча йўналишларида, жумладан педиатрия хизматида ҳам амалга оширилиши керак бўлган ишлар талайгина. Бу борада тиббиётда юқори технологик ишланмаларни ишлаб чиқиш ва уларни татбиқ этиш масалаларига эътибор қаратиш ҳамда бирламчи санитария ёрдами ишини янада мустаҳкамлаш зарур.

Конференция давомида тажрибали мутахассислар томонидан долзарб мавзудаги маърузалар асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар киритилди: болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш, улар саломатлигини яхшилаш учун неонатология, пульмонология, гастроэнтерология, гепатология, кардиология, неврология, нефрология, психология, болаларни овқатлантириш масалалари бўйича хизматни модернизациялаш, янги лаборатор технологияларни кенг миқёсда татбиқ этишни кучайтириш. Шунингдек, вилоятларда педиатриянинг йўналишларига бўлган талабга кўра болаларга кўрсатилаётган шифохона ёрдамини оптималлашни ташкиллаштириб, ўринлар сонини оптималлаштириш ва барча йўналишлар бўйича мутахассислар касб малакасини ошириш, болалар саломатлигини муҳофаза қилишни такомиллаштиришга қаратилган ишланмалар салоҳияти кўтарилиб, юқори технологик ишланмалар кенг миқёсда амалиётга татбиқ этилиши ҳамда педиатрия хизматини модернизациялаш ишида республиканинг барча тиббиёт муассасалари, олий ўқув юртлари, илмий марказлари ва илмий-текшириш институтлари ўртасидаги ҳамкорлик ишлари узвий давом эттирилиши кўзда тутилди.

## Сўз – конференция иштирокчиларига



**Асрор ШАМСУТДИНОВ,**
**Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди:**

– Мустақиллик шарофати билан Президентимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимига катта эътибор қаратилди. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Ҳозирга қадар оналар ва болалар саломатлиги йўлида самарали ютуқларга эришилди. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз соғлиқни сақлаш тизими фаолиятига эътироф бериб, янги йилимизни "Соғлом бола йили" деб эълон қилишларининг ўзи ҳам биз шифокорларнинг касбимизга бўлган меҳримизни ошириб, янада масъулият билан ишлашимизни талаб этади.

Марказимиз 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, вилоятимиз миқёсидаги болаларга 25 мутахассислик бўйича тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. 2013 йилда Инвестиция дастури асосида реанимация бўлими ва операцион блоклар янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қолган бўлимларимизда эса, реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Марказимизда 77 нафар шифокор бўлиб, шулардан бир нафари тиббиёт фанлари доктори, 7 нафари эса тиббиёт фанлари номзоди. Фаолиятларимиз давомида мутахассисларимиз туман ва шаҳар тиббиёт муассасаларига амалий, ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Бундан ташқари, ҚВПларда иш олиб бораётган умумий амалиёт шифокорларига ҳам керакли тавсия ва маслаҳатлар бермоқдамиз. Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашда скрининг маркази олиб бораётган фаолиятлар ҳам бундан мустасно эмас. Бугунги анжуман асосан педиатрия хизматини модернизациялашга қаратилган экан, бу албатта келгусидаги ишларимизни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади, деб биламан.



**Маматқул АЗИЗОВ,**
**Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачи, тиббиёт фанлари доктори:**

– Давлатимиз томонидан болаларимиз саломатлигига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги бу келажак авлодларимиз соғлом ва баркамол ўсишларида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда қайси бир тиббиёт муассасасида бўлмайлик, улар замон талаблари даражасида қад кўтарганлиги, тиббий асбоб-ускуналар, малакали кадрлар билан таъминланганлиги соҳада эришилаётган ютуқларнинг ёрқин ифодаси дея оламиз. Марказимиз 320 ўринга эга бўлиб, 17 та бўлимдан иборат. Вилоятимизда истиқомат қилаётган фарзандларимизга 17 та йўналиш бўйича сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келинади. Шифо масканимиз кейинги 5 йил ичида янги технологиялар билан тўлиқ таъминланганлиги боис, болалар ўлими 2 фоизга камайди. 2014-2015 йилларда тиббиёт муассасамиз Инвестиция дастурига киритилиб, керакли маблағ ажратилди. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мунтазам ўтказиб келинаётган "Саломатлик ҳафталиклари" ҳамда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда мутахассисларимиз фаол иштирок этмоқдалар.

Бугунги анжуманда давлатимиз раҳбари томонидан педиатрия йўналишига қаратилган эътибор туфайли, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг вилоят филиалларидаги самарали ишлар амалга оширилганлигига яна бир бор амин бўлдим.

Ушбу конференцияда ҳам педиатрия хизматини янада яхшилаш масалалари бўйича соҳа мутахассислари томонидан муҳим фикрлар билдирилиб, келгусидаги ишлар ривожи учун тавсиялар берилди. Албатта, тадбирда кўтарилган асосий масалаларга жиддий ёндошиб, ишлар кўламини янада кенгайтиришимиз ва астойдил хизмат қилишимиз зарур.



**Нурмуҳаммад АЛХАМОВ,**
**Навоий вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази неонаталогия бўлими бошлиғи:**

– Тизимга Инвестиция дастурининг кириб келиши, тиббиёт муассасаларини ҳар томонлама замон талаблари даражасига кўтарди десам, хато қилмайман. 2012 йилда марказимизда хирургия бўлими янгидан қурилиб, ишга туширилиши болаларимиз саломатлигини тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Унда травматология, урология, хирургия йўналишида операциялар муваффақиятли бажарилмоқда. Бўлим замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шунингдек, реанимация-анестезиология бўлимида ҳам ишлар тўғри йўлга қўйилган. Келгусида биз мутахассислар ана шундай шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, келажагимиз бўлган фарзандларимиз саломатлиги учун бор билим ва малакамизни аямаслигимиз зарур. Бундай тадбирлар албатта ўз самарасини бериши билан бирга, педиатрия соҳаси равнақ топишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Аввало, фарзандларимиз саломатлигини ўйлаб, шунингдек, тиббиёт ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлаётган давлатимиз раҳбарига ўз миннатдорчилигимни билдираман.



**Алима МАТКАРИМОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачи:**

– Мазкур конференцияда кўтарилган асосий масалалар ҳар бир иштирокчининг диққат-эътиборида бўлиб, мутахассис-педиатрлар ҳамда раҳбар ходимлар керакли маълумот ва келгусидаги иш режаларига эга бўлдилар. Марказимиз 185 ўриндан иборат бўлиб, қирқ нафарга яқин шифокорлар ва 118 нафар ўрта тиббиёт ходимлари фаолият олиб бормоқдалар. Инвестиция дастури асосида жорий йилда 185 ўринга мўлжалланган уч қаватли даволаш корпусимиз капитал реконструкция қилиниб, куни кеча фойдаланишга топширилди. Шунингдек, маслаҳат поликлиникаси ва 30 ўринга мўлжалланган неврология бўлимлари янгидан қурилиб, фаолиятлар самарали олиб борилмоқда. Анжуманда модернизация масаласи кўтарилганлиги бу албатта, ишларимиз давомийлигини янада яхшилаш, тиббий хизмат сифатини ошириш ҳамда болалар саломатлигини мустаҳкамлашда асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

*Илмий-амалий анжуман*

# ЗАМОНАВИЙ ДИАГНОСТИКА ВА ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ

## Ўзбекистон неврологлари анжумани иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди

***Жорий йилнинг 10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон неврологлари жамоат бирлашмаси, Тошкент врачлар малакасини ошириш ва педиатрия институтлари ҳамкорлигида «Пойтахт» бизнес марказида «Асаб тизимининг нейродегенератив ва сурункали қон-томир касалликлари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда соҳа мутахассислари билан бир қаторда умумий амалиёт шифокорлари, психиатр ва психолог-шифокорлар, ёш олимлар иштирок этишди.***



Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Худаяров кириш сўзи билан очиб, Юртбошимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган тубислоҳотларга урғу берар экан, хусусан асаб тизими касалликларининг замонавий ташхиси, даволаш механизми, профилактикаси ҳамда реабилитация муаммоларига асосий эътиборни қаратди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош неврологи Бахтиёр Ғофуров ҳам мазкур жараёнларда шифокорлар малакасини ошириш, ёш олимларнинг изланишларида кўпроқ нейродегенератив ва сурункали қон-томир касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, уларни даволашда қўлланиладиган замонавий технологиялар ва мавжуд муаммоларга тўхталиб ўтди.

Шунингдек, анжуманда соғлиқни сақлаш тизимида кўп йиллик меҳнатлари билан мазкур соҳа ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, неврологлар мактаби шаклланишига асос солган академик Наби Мажидовнинг касб фаолияти ва ижодий мероси тўғрисида ҳам сўз юритилди.

Шунингдек, анжуман давомида соҳанинг тажрибали мутахассислари томонидан сурункали мия ишемиясининг патогенезида веноз дисциркуляциясининг ўрни, мия ва унинг пардалари сурункали яллиғланиш касалликларидаги нейродегенератив жараёнлар, ёш болалардаги инсульт оқибатлари, турли генезли оғриқли синдромлар: қиёсий ташҳислаш ва даволаш, прогрессирланувчи қон-томирли лейкоэнцефалопатия ташҳислаш ва даволаш мавзуларида маърузалар қилинди. Ундан ташқари, анжуман иштирокчилари уч гуруҳга бўлиниб, секция ишларида тадбир доира-

**Амир МУҲАММАДИЕВ, Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани тиббиёт бирлашмаси бош неврологи:**



– Кейинги пайтларда дунё миқёсида асаб тизимининг нейродегенератив ва сурункали қон-томир касалликлари катта ёшдагиларда учраётганлиги ҳамда унинг асоратлари оғир кечаётганлиги соҳа вакиллари учун сир эмас. Шу боис, анжуманда ушбу мавзуни танлаганмиз. Бугунги тадбирда нафақат неврология йўналишидаги, балки умумий амалиёт ҳамда психиатр ва психолог шифокорларининг иштирок этаётганлиги ҳам мазкур касалликни ҳамкорликда олдини олиш, даво муолажаларини ўз вақтида олиб боришга қаратилган. Маълумки, юртимиз тиббиёти бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб, замонавий технологияларнинг кириб келиши, малакали мутахассисларнинг илмий салоҳияти тиббиёт фани уфқлари янада ривожланишида муҳим рол ўйнамоқда. Ўтказилган ушбу анжуманда асаб касалликлари тизимида учрайдиган хасталикларнинг келиб чиқиши ва уни олдини олиш масалаларига қаратилган эътибор соҳа йўналишида фаолият юритаётган ёш ҳамда илмий изланишлар олиб бораётган мутахассислар фаолиятида асосий ўринга эга бўлади деб ўйлайман.

**Шу ўринда айтишимиз муҳимки, бундай мавзуга бой тадбирларнинг ўтказилиши соҳа мутахассислари билим ва малакасини ошириш билан бир қаторда, хорижий ҳамда мамлакатимиз тиббиётида бўлаётган янгиликлардан хабардор этади. Тадбир давомида юртимиздаги барча компанияларнинг неврологияда қўллайдиган дори воситалари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.**

**Анжуман якунида кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзулар муҳокама этилиб, резолюция қабул қилинди.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

**Нурмамат ХУДАЙБЕРГАНОВ, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали доценти, тиббиёт фанлари номзоди:**



– Конференцияда юртимизнинг таниқли неврологлари томонидан маърузалар қилинди. Айниқса, гуруҳларга бўлинган ҳолда муҳокамага қўйилган масалалар юзасидан ўртага ташланган фикр ва мулоҳазалар иштирокчилар ўз устларида ишлаш билан бирга, илмий изланиш олиб боришларини тақозо этди десам, муболаға бўлмайди. Шунингдек, тиббиёт олий ўқув юртларидан қатнашган мутахассислар учун ҳам айни муддао бўлди. Чунки, таълим даргоҳларида ҳам талабаларга мазкур йўналишда сабоқ бериб келинмоқда. Анжуманнинг яна бир мақсадли томони – умумий амалиёт шифокорларининг иштироки, бирламчи тиббиёт тизимида асаб касалликларини тўғри аниқлаш ва ташҳислаш ҳамда касалликларнинг олдини олишда бўлди. Кун тартибидан ўрин олган мавзулар муҳокама қилинар экан, мазкур йўналишда нафақат невропатологлар, балки психиатр, психолог, кардиолог, терапевтлар ҳамкорликда иш олиб борсалар ижобий натижаларга эришилади.

сидаги долзарб мавзулар юзасидан ўзаро фикр алмашиб, зарур таклиф ва тавсияларни ўртага ташладилар. Анжуманнинг яна бир эътиборли жиҳати шунда бўлдики, кейинги йилларда тиббиёт тизимида изланишлар олиб бораётган ёш олимлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш яхши йўлга қўйилганлиги илмфан уфқлари янада юксалишида ўз самарасини бермоқда, десак янглишмаган бўламиз. Чунки, соҳанинг ҳар бир йўналишида ўтказилаётган нуфузли симпозиумлар, съезд, анжуман ва турли даражадаги ўқув-семинарларда ёш олимлар ишига алоҳида ўрин ажратилаётганлиги ҳам юқоридаги фикрларимиз тасдиғидир. Ушбу анжуманда ёш олимлар танловига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг соҳа ривожига бағишланган илмий изланишлари таҳлил қилиниб, муносиб баҳоланди.

**Лидия ГУТНИКОВА, врач невролог, Ташкентская городская клиническая психиатрическая больница:**



– Состоявшаяся конференция была посвящена теме "Нейродегенеративные и хронические сосудистые заболевания нервной системы". Нас познакомили с новейшими методами ранней диагностики, лечением данных заболеваний. Я работаю неврологом в Городской клинической психиатрической больнице. С большим вниманием прослушала доклады на конференции. Надеюсь, что все это пригодится мне в дальнейшей работе. У нас в Узбекистане много средств вкладывается в развитие медицины. Примером тому являются программы "Здоровье-1, 2, 3". И мы, врачи, стараемся внести свой вклад, делаем все для того, чтобы население нашей страны было здоровым. Все услышанное на конференции я расскажу и своим коллегам по работе. Медицина сейчас быстрыми шагами продвигается вперед, поэтому нужно постоянно быть в курсе всех последних достижений, происходящих в мировой науке.



*Обуна – 2014*

**Ҳурматли муштарийлар!**

**«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2014 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.**

**Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!**

**Нашр индекси: 128.**

**Ҳурматли муштарийлар!**

**Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз (www.uzssgzt. uz) фаолият бошлаганидан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлимидан топиш имкониятига эгасиз. Бундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, info@uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.**

Память – священна

# ВРАЧ, УЧЕНЫЙ, НАСТАВНИК



***История отечественной науки знает немало примеров, когда в роли лидеров выступали выдающиеся ученые, которые поражают своих коллег не только масштабностью идей, но и высокими человеческими качествами.***

***Одним из таких выдающихся лидеров современной неврологической науки являлся академик Наби Маджидович Маджидов, в честь которого состоялась 10 декабря 2013 года в бизнес-центре "ПОЙТАХТ" Международная конференция неврологов. Конференция посвящалась 86-летию со дня рождения известного ученого.***

Н. Маджидов родился 10 декабря 1928 года в г. Ташкенте в семье служащего (Умер 2 января 2010 года).

Творческие способности Н. Маджидова проявились уже в годы обучения в Ташкентском медицинском институте. Его первая научная работа на Республиканском конкурсе студенческих работ была удостоена первой премии и почетной грамоты Минздрава.

Широко известный в нашей республике и за рубежом, отличный невролог, высококвалифицированный клиницист, высокоэрудированный ученый, талантливый педагог, общественный деятель, академик Академии наук Республики Узбекистан, академик Евроазиатской АМН, заслуженный деятель науки Республики Узбекистан, доктор медицинских наук, профессор Наби Маджидович Маджидов внес большой вклад в развитие неврологии Узбекистана.

В 1982-1987 годы Н. Маджидов был директором НИИ реабилитации и физических методов лечения имени Н.А.Семашко. Под его руководством институт стал образцом организации и проведения научных исследований, центром новых идей. На базе института был создан Центр медицинского метеопрогноза и метеопрофилактики, фитотерапии.

В 1991 году Н. Маджидов создал и до 1999 года возглавлял Республиканский научный центр неврологии.

В 1991 году Н. Маджидов был избран академиком Евроазийской АМН, в 1995 году – членом-корреспондентом АН РУз, а в 2000 году академиком АН РУз.

Научная деятельность Н.Маджидова многогранна. Высокая эрудиция, неустанное стремление к познанию тайн природы, талант организатора способствовали созданию новых научных направлений.

Академик Н. Маджидов автор более 500 научных работ, в том числе 4 учебников для студентов медицинских институтов, 30 монографий, 8 изобретений, более 60 методических рекомендаций, редактор 40 тематических сборников, посвященных актуальным проблемам медицины.

Н. Маджидов был инициатором издания и редактором научных трудов республиканских конференций, Всесоюзного съезда историков медицины и автором оригинальной монографии "Неврологические воззрения Абу Али ибн Сины", изданной не только в нашей стране, но и в республике Чехии. На основе накопленных новых научных фактов автор подготовил к изданию новую книгу о творчестве Ибн Сины на узбекском языке.

Он автор первого учебника по общей неврологии на узбекском языке, который был трижды издан (1960,1973,1993 гг), в 2012 году вышло 4-е издание данного учебника с разделом частной неврологии. Руководство "Профилактическая неврология" (в 5 частях), над которым в течение ряда лет работал ученый, также адресован студентам и врачам. Достоянием многих медиков стали I, II, III и IV части книги.

Н. Маджидов принимал участие и выступал с докладами на международных конгрессах и симпозиумах в России, США, Франции, Англии, Италии, Венгрии, Израиле и других странах, достойно представляя нашу страну.

Академик Н. Маджидов был учредителем первого в истории неврологии Узбекистана рецензируемого научно-практического журнала "Неврология", созданного в 1998 году. С 1998 по 2010 год Н. Маджидов являлся главным редактором журнала "Неврология".

За научно-педагогические заслуги Н. Маджидов неоднократно был награжден правительственными наградами. По рекомендации Главной редакционной комиссии Американского биографического института кандидатура академика Н. Маджидова включена в 7-е издание Главного международного справочника 500 самых влиятельных лидеров мира (1998 год), а в 1998 году избран "Человеком года".

За многолетний добросовестный труд Наби Маджидович многократно поощрялся Министерством здравоохранения Республики Узбекистан.

Творческая и практическая работа, огромный клинический опыт, эрудиция, увлеченность проблемами неврологии, гуманизм и личное обаяние, искренность, доброжелательность, скромность снискали ему большое уважение среди пациентов, учеников и сотрудников.

Память о замечательном, добром, отзывчивом человеке навсегда останется в памяти медицинских работников, учеников, представителей науки и всех тех, кто любил и уважал Наби Маджидовича.

**Идеи и научные направления, заложенные академиком Н. Маджидовым, находят свое продолжение в трудах его учеников и последователей, продолжающих отдавать свои знания на благо развития отечественной науки и практической медицины.**

**Професоры Азад ХОДЖАЕВ,**
**Ханифа ХАЛИМОВА.**

Ҳамкорлик

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

***Жорий йилнинг 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Европа Иттифоқи ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси ЮНИСЕФ вакиллари «Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш, II фаза» лойиҳаси доирасида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида Чирчиқ шаҳридаги Тошкент вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази қошида ташкил этилган ўқув марказида бўлдилар. Мазкур лойиҳани амалга оширишдан мақсад, мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишдир.***

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Саидмурод Исмоилов, Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси бошлиғи Юрий Штерк, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Роберт Фудерич ҳамда Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари иштирок этдилар. Таъкидлаш муҳимки, мазкур турдаги ўқув марказлари республикамизнинг Фарғона, Бухоро, Хоразм ва Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари тассаруфида ташкил этилган.

*– Мазкур лойиҳа соғлиқни сақлаш тизимидаги бошқарувни мукаммаллаштириш ва турли даражадаги тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш йўли билан оналар ва болаларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган,* **– дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Саидмурод Исмоилов.**

Мазкур ўқув марказларида соҳа мутахассислари ўқув машғулотларини бошлаб юбордилар. Бунда тиббиёт ходимларининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларини ошириш, шунингдек замонавий тиббиёт ускуналаридан фойдаланиш кўникмаларини яхшилаш мақсадида зарурий материал ва ўқув қўлланмалари тарқатилди. Улар даволашнинг замонавий усулларини, жумладан неонатал реанимация, болалар касалликларини интеграциялашган ҳолда даволаш, гўдакларни кўкрак сути билан боқиш каби дарс машғулотларида иштирок этиб, билим ва тажрибаларини бойитиб борадилар.

*– Европа Иттифоқи Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни ҳукумат ва ривожланиш соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблайди. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар томонидан кўрсатилаётган молиявий ёрдам жамият даражасида аёллар ва болалар ҳаётини яхшилашга ҳисса қўшаётганлиги қувонарлидир,* **– деди Европа Иттифоқи номидан элчи Юрий Штерк.**





Таъкидлаш керакки, 2013 йил декабрь ойигача 1,900 дан ортиқ тиббиёт ходимлари – 1,500 нафар шифокорлар ва тиббиёт ҳамширалари, 300 нафар маҳаллий тренерлар ва 100 нафар соғлиқни сақлаш тизимидаги раҳбар ходимлар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларини ва амалий кўникмаларини яхшилаш учун тайёргарликдан ўтдилар. Ушбу ўқув семинарлари бошқа вилоятларда ҳам 2015 йилгача ўтказилиши режалаштирилган.

Ташриф чоғида делегация аъзолари Тошкент вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази қошида ташкил этилган ўқув марказида таҳсил олаётган ҚВПларнинг умумий амалиёт шифокорлари билан суҳбатлашдилар. Сўнгра улар Қибрай туманидаги Байтқўрғон қишлоқ врачлик пунктида бўлишиб, у ердаги фаолиятлар билан танишиб қайтдилар.

*– Тажрибалар шуни кўрсатадики, тиббиёт ходимларини ўқитишни ўзи кифоя қилмайди. Малакасини оширган мутахассислар билимларини амалиётда татбиқ этишлари муҳимдир. Шуниси қувонарлики, лойиҳа ўз натижаларини жойларда кўрсатяпти ҳамда янада кўп сонли болалар ва оилалар сифатли тиббиёт хизматларидан фойдаланяптилар. Ўзбекистон учун бу устувор йўналишда кўрсатаётган катта ёрдами учун Европа Иттифоқидан миннатдормиз,* **– деди жаноб Роберт Фудерич.**

Бундай ҳамкорлик ишлари бардавом бўлиб, буларнинг барчаси халқимиз саломатлиги йўлида қилинаётган эзгу ишлардан биридир.

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи**
**Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

### Соғлом авлод – Ватан келажаги

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

## Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўптармоқли тиббиёт маркази капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди





***Марказда 2013 йил Инвестиция дастурига кўра, 1 миллиард 660 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 185 ўринга мўлжалланган 3 қаватли иккита даволаш корпуси капитал реконструкция қилинди. Маслаҳат поликлиникаси ва 30 ўринга мўлжалланган неврология бўлими иморатлари янгидан қурилди.***

Бунёдкорлик ишлари 1-“Қорақалпоққурилиш бошқармаси” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан олиб борилди.

– Муассасамизда болалар саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлида 40 нафар шифокор самарали меҳнат қилмоқда, – дейди бош шифокор Алима Маткаримова. – Уларнинг 2 нафари фан номзоди, 18 нафари эса олий тоифали шифокордир. Президентимиз раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги юксалмоқда. Тиббиёт марказимизнинг капитал реконструкция қилиниши 2014 – «Соғлом бола йили»да фарзандларимиз саломатлигини муҳофазалаш ҳамда тиббий хизмат сифатини яхшилашга замин яратади. Болалар тиббиёт марказининг гематология, неврология, жарроҳлик, кардиология, ортопедия бўлимлари, УЗИ, ЭКГ, ички дорихона, физиотерапия хоналарида шифокорлар ва беморлар учун барча зарур қулайликлар яратилди.





## НОВОСТИ ● СОБЫТИЯ ● ФАКТЫ

## НОВЫЙ СЕЛЬСКИЙ ВРАЧЕБНЫЙ ПУНКТ В РИШТАНЕ

**Накануне 21-летия принятия Конституции Республики Узбекистан в сходе граждан махалли “Чунгара” Риштанского района Ферганской области сдан в эксплуатацию новый сельский врачебный пункт.**

На открытии медицинского учреждения отмечалось, что под руководством Президента Ислама Каримова в нашей стране уделяется особое внимание охране здоровья населения, воспитанию гармонично развитого поколения.

В новом сельском врачебном пункте, оснащенном современным медицинским оборудованием, действуют кабинеты вакцинации, физиотерапии, дезинфекции, лаборатория, отделения женщин и детей, аптека.

– Действующий на территории 21 сельский врачебный пункт оказывает качественные медицинские услуги населению, – говорит начальник районного медицинского объединения С.Ниёзов. – За прошедший период все сельские врачебные пункты оснащены новейшим медицинским оборудованием. В целях улучшения оказания медицинских услуг в отдаленных селах из районного центра привлечены квалифицированные врачи, которые проводят медицинское обследование населения.

**УзА.**

## Повышается качество медицинского обслуживания

**Как и во всех регионах нашей страны, в Навоийской области также достигаются весомые успехи в укреплении репродуктивного здоровья населения, оказании квалифицированных медицинских услуг.**

В частности, согласно целевой программе в 20 сельских врачебных пунктах и сельских участковых больницах выполнен текущий и капитальный ремонт на 836 миллионов сумов. Согласно проектам “Здоровье” они оснащены необходимым оборудованием.

– Проводимые под руководством Президента нашей страны Ислама Каримова широкомасштабные реформы, уделяемое огромное внимание дальнейшему развитию медицинской системы являются важным фактором наших успехов, – говорит начальник областного управления здравоохранения Фазлиддин Усманов.

В 2013 году в области большое внимание уделено возведению новых и реконструкции действующих современных медицинских учреждений. В частности, построены здания администрации, скорой помощи, переливания крови, капитально отремонтирована коммуникационная система Канимехского районного медицинского объединения. Реконструируются все отделения Нуратинского и Хатырчинского районных медицинских объединений.

В рамках программы “Здоровье-3” завершается работа по оснащению Нуратинского, Навбахорского, Тамдынского, Учкудукского, Кызылтепинского и Канимехского районных медицинских объединений цифровыми рентгенографами и флюорографами на 1,2 миллиона долларов.

В последние годы успехи в медицинской системе области признаются на республиканском уровне. Об этом свидетельствует тот факт, что сельский врачебный пункт “Жамбул” Навбахорского района занял первое место на республиканском этапе конкурса “Лучший сельский врачебный пункт 2013 года”. В качестве приза пункту передано специальное транспортное средство. Кроме того, с целью качественного оказания скорой медицинской помощи населению 3 специальными автотранспортными средствами обеспечены и отделения скорой помощи Хатырчинского, Учкудукского и Нуратинского районов.

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Адади 5885 нусха.
Буюртма Г-1245.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.